

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакурган
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2016 у.г. «12» август

№ 523-К

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

«Каттакўрғон шаҳар Обихаёт кўчаси атрофидаги ишлаб чиқариш худудидан фуқаро Разикова (Назарова) Хонпошшога ишлаб чиқариш цехи ҳамда омборхона қуришга рухсат бериш ҳақида»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6-мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини. Каттакўрғон шаҳар Суғдиёна кўчаси 58-уйда яшовчи фуқаро Х.Разикова (Назарова)нинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини инobatга олиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар Суғдиёна кўчаси 58-уйда яшовчи фуқаро Разикова (Назарова) Хонпошшога Обихаёт кўчаси атрофидаги ишлаб чиқариш худудидан 6600 кв.м. ер майдонидан ишлаб чиқариш цехи ва омборхона қурилишига ҳамда атрофини ободонлаштиришга рухсат берилсин.
3. Каттакўрғон шаҳар Суғдиёна кўчаси 58-уйда яшовчи фуқаро Х.Разикова (Назарова)га таъинланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун ҳужжатларини расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналаридан техник шартлар ва тегишли ўқимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш қонун қоидаларига жавоб берадиган лойиҳа асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш ҳамда Каттакўрғон шаҳар Ер тузиш кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси зиммасига юклатилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

Ш.Ж.Раҳмонов